

Bu she'riy parchada esa o'zbek nonlari ichidan nafaqat hudud ichida, balki tashrif buyuruvchi chet ellik mehmonlar orasida ham ma'lum va mashhur bo'lgan turi keltirilgan. Samarqand noni tayyorlanish usuli, tarixi, ta'm va ko'rinishi bilan boshqalaridan katta farq qiladi. Samarqand noni haqida juda ko'plab afsonalar ham mavjud bo'lib, ularning ba'zilari haqiqiy voqealarga asoslangan. O'zbekiston hududida non qanchalik qadrlı, mashhur hamda an'analarni o'zi bilan me'ros qilib kelayotgan bir gastronomik nom bo'lsa, Samarqand non ular ichida mashhurlikda ham, an'anaviylikda ham eng old o'rında tura-di. Va aynan shuning uchun vatan konseptining semantik maydoni nonsiz tashkil etilmaganidek, Samarqand non atamasiz ham uni tasavvur etish qiyin.

Xulosa. Non, samarqand non, parvarda, pashmak kabi birliklar o'z tarixi va iste'mol doirasiga ko'ra o'zbek xalqining ajralmas bo'lagi hisoblanadi. Ular matndan tashqarida ham milliylikiga egadir. She'riy matnlar ichida esa, bu mazmun yanada yorqinroq ifoda etilib, ma'no yanada kuchayadi;

Non atamasi bilan bir qatorda qovun hamda handalak kabi gastronomik tushunchalar pragmatik mazmuniga ko'ra, matnda qo'llanilgan yondash so'zlar bilan birgalikda o'zbek xalqining o'tmishi bilan aloqador bo'ladi, va she'riy matnlar tarkibida vatan konsepti bilan aloqasini ko'rsatib turadi;

Ko'k choy va choyxona gastronomik birliklari esa, o'zining uzoq o'tmishi bilan o'zbek millatiga chambarchas bog'liq hisoblanadi. Milliylikimizning ifodasi ekanligi nafaqat badiiy matn, xususan, she'riy matnlarda keltirilgan, balki o'z holicha ham faqatgina o'zbek xalqi tomonidan emas, balki deyarli butun dunyo tomonidan e'tirof etiladi.

Qisqa qilib aytganda, gastronomik birliklar lingvokul-turemalar sifatida vatan konseptining semantik maydoni o'ziga xos o'ringa ega. Mazmun jihatdan konseptni ularsiz shakllantirish qiyin. O'zbek she'riy matnlarida esa bu ma'no qirralari sodda hamda go'zal tarzda yoritib beriladi. Berilgan maqolada esa, asosan, non atamasi bilan bog'liq bo'lgan misollar ko'rib o'tildi.

Adabiyotlar

1. Croft W., & Alan, D. (2007) Cognitive Linguistics. Cambridge: CUP.
 2. Karimov U. Konsept tushunchasi va uning badiiy adabiyotdagi mohiyati. 2017. // O'zMU xabarları.
 3. Muhammad Yusuf Saylanma. – Toshkent: “Sharq” nashriyot-matbaa aksiyadorlik jamiyati. 2007.
 4. O'zbek tilining izohli lug'ati. III jild “O'zbekiston milliy ensiklopediyasi” Davlat ilmiy nashriyoti. 2020.
 5. Qisqacha uy-ro'zg'or ensiklopediyasi (1982). O'zbek sovet ensiklopediyasi.
 6. Salakhova R.I. Actualization of the formation of a value attitude towards the Motherland among young people. Current problems of science and education. 2013.
 7. Rahmatullayev Sh. O'zbek tili etimologik lug'ati. “Universitet”. 2009.
 8. Talmy L. Toward a Cognitive Semantics, Volume I Concept Structuring Systems. The MIT Press. 2000.
 9. Ивченко М.В. Функционально-семантические и лингвокультурологические особенности вербализованного концепта «волшебство» в сказочном и рекламном дискурсах: Автореф. канд. дисс. филол. наук. – Ростов-на-Дону. 2010.
- REZYUME.** Maqolada lingvomadaniy konseptlarning ayrimlarini tahlil hamda tasnif qilgan holda, Vatan konsepti bilan qiyoslab, tushunchalar orasidagi bog'liqlik ochib berilgan. Shuningdek, ayrim o'rinlarda gastronomik nomlar Vatan konsepti bilan chambarchas bog'liqligi, bu esa lingvokulturemalarning atama bilan aloqador ekanini isbotlangan.
- РЕЗЮМЕ.** В статье анализируются и классифицируются некоторые лингвокультурологические концепты, сравниваются их с концептом Родина, выявляется взаимосвязь между концептами. Также доказано, что гастрономические названия тесно связаны с понятием Родина, а значит, и лингвокультуры родственны этому термину.
- SUMMARY.** The article analyzes and classifies some of the linguistic and cultural concepts, compares them with the concept Homeland, and reveals the relationship between the concepts. Also, in some places, it has been proven that gastronomic names are closely related to the concept Homeland, which means that linguocultures are related to the term.

МАДАНИЯТЛАРАРО МУЛОҚОТДА ФРАЗЕОЛОГИЗМЛАРНИНГ ЎРНИ ҲАҚИДА

А.А.Худайбергенов – филология фанлари бўйича фалсафа доктори

Ажиниёз номидаги Нукус давлат педагогика институти

Таянч сўзлар: фразеологик бирликлар, фразеомикромайдон, фразеомакромайдон, фразеогрух, маданиятлараро мулоқот, структура, семантика, антропоцентризм, концепт.

Ключевые слова: фразеологизмы, фразеомикрополе, фразеомакрополе, фразеогруппа, межкультурная коммуникация, структура, семантика, антропоцентризм, концепт.

Key words: phraseological units, phraseomicrofield, phraseomacrofield, phraseogroup, intercultural communication, structure, semantics, anthropocentrism, concept.

Тил билан мулоқотда энг муҳим масалалар – бу объектив олам, маданият, тил, уларнинг ўзаро муноса-бати ва ўзаро таъсири. Аммо бунда олам манзараси моҳиятини оптимал тасаввур этиш учун кенг терминологик ихтиролар талаб қилинади. Уни юзага чиқаришга тўсқинлик этувчи нутқ ҳосил қилиш ва мулоқотнинг яширин қийинчиликлари (маданиятнинг мумкин бўлган амалий конфликтлари ҳақида огоҳлантириш каби) ту-файли мумкин бўлмайди. Чунки тил- маданиятни сақлаш воситаси, шунинг учун у тилшунослик нуктаи назардан сўзга, тушунчага, воқеликка, тушунчаларни лексик деталлаштиришга барча ҳар хил ифодаларнинг социомаданий аспектига (масалан, концепт доирасида инсон тушунчасининг барча жиҳатларини тилда кенг камраб олувчи атама сифатида) эквиваленти бўлиши ниҳоятда муҳимдир.

Ҳар хил халқларнинг ҳар хил маданиятлари фарқла-ри энг қадимги даврлардаёқ сезиларли бўлган. Бундай ҳолда қўйидагича саволлар қизиқиш ўйғотади: ушбу фарқлар нималарда кўринади, улар каердан келиб чиқади, бу фарқлар абадий қайтиб келмаслиги, ёки, аксинча, мулоқот натижасида ҳар хил миллий мадания-ятлар каерда бир-бирига мос келади [1:89].

Маданий ва маданиятлараро мулоқот имкониятлари тилда миллий маданий дунёни акс эттирувчи маданият-лар характери ёки, бошқача айтганда, миллий концеп-тосфера билан боғлиқдир [7:18-19].

Унинг ядроси (маркази) ни барча халқларга хос бўлган белгилар ташкил этади ва улар концепт ва константларга нисбатан чегараланган йиғиндисидан шаклланади [2:214-215].

Ер, ватан, дунё, дин, меҳнат, шунингдек, инсоннинг ўзи, эркак, аёл, оила, оналик, оталик, туғилиш, ҳаёт, ўлим ва б. Буларнинг ҳар қайсиси сўз ёки фразеологик бирлик (ФБ) билан ифодаланиб, концептнинг фақат вербал кўринишидир [4:10].

«Инсон» категорияси «реаллик»- «тил» зиддиятида очилади. Бунда шу омилни ҳисобга олиш ниҳоятда зарурки, унга кўра реал дунёдан йўл ҳар қандай тушун-чага ва кейинчалик унинг сўз билан ифодаланишига қараб боради. У эса турли халқларда ҳар хил. Ягона олам тил репрезентацияларида турли-тумандир, шу сабабли ҳам уларнинг акс этиши бир-бирига ўхшамайди [3:119-120].

Инсон концептининг функционал ва лисоний ўзига хослиги унинг семантик табиатининг намоён бўлишини

тилнинг ҳар хил сатҳлари ва босқичларида, хусусан, фразеологик босқичда ҳам уни қараб чиқиш зарурлигини такозо этади [5:12].

XX асрнинг 60-йилларидан бошлаб жаҳонда тилшуносликнинг мустақил соҳаси сифатида таркиб топган фразеологиянинг жадал суръатлар билан ривожланиши кўпгина муҳим масалаларни ўрганишни такозо этади. Уларни ўрганиш эса фразеологиянинг таркибида бўлган бирликлар хусусиятини, фразеологиянинг объекти ва уни ўрганиш методларини тўла очиб бериш ва аниқлаш имконини беради.

Фразеологик бирликлар мазмун структурасида тил ижодкори ва эгаси саналган халқнинг донишмандлиги ва орзу истаклари (булар маданий анъаналар, мифлар ва халқ нақл ва ривоятлари, диний эътиқодлари ва афсоналари. Тарихий воқеалар), шунингдек «прагматик унсур» (эмоциялар, эмоционал реакциялар, субъектив баҳолаш мураккаб йиғиндиси, тингловчига нутқий таъсир этиш усуллари, борлиқнинг образли, экспрессив репрезентацияси кабилар) тилнинг миллий ўзига хослигида ўз ифодасини топади. У лисоний ҳодисадир [8:8].

Аммо ҳозирги давр тилшунослик фанида тил бирликлари мазмун томонини тадқиқ этишнинг, унинг асосий фарқланувчи белгиларини тез чуқур ўрганишга бўлган интилишнинг катта аҳамиятга эга эканлигига, шунингдек, семасиологик муаммоларни, лексик семантикани ва, айниқса, фразеологияни назарий қайта англашга бўлган кўп сонли уринишларга қарамадан, фразеология тилшуносликда ханузгача энг кам ўрганилган соҳа бўлиб қолмоқда [9:6].

А.В.Кунин таъкидлайдики; «Фразеологик бирликлар компонентлари ўзаро семантик тигиз боғланган оборотлар бўлиб, уларнинг боғланиши даражаси ҳар хил ФБ ларда турли-туман бўлиши мумкин». Дарҳақиқат, бир хил ФБ лар метофорик, метонимик, муболаға характеридаги тўла қайта тушунилган оборотлар бўлса, бошқа бирлари қисман қайта тушунилган оборотлар бўлиб, улар таркибидаги баъзи компонентлар ўз маъносига ҳам ишлатилган бўлиши мумкин [6:24].

Ҳар бир тилнинг фразеологик фонини семантик тасвирлаб беришда систематик тарзда ёндашув энг яхши усулдир. Бунда тасвирлашнинг энг муҳим йўли муайян ФБ нинг қайси фразеосемантик гуруҳга мансублигини топиб олишдир.

Фразеологик гуруҳ таркибини аниқлаб, ундан катта-роқ бирлашма таркибини аниқлаш мумкин, катта бирлашма таркибининг бир қисми ўрганилаётган фразеогуруҳ бўлади, хусусан, фразеомикро майдон фразеомикро майдон таркибига киради. Бу эса фразеологик системанинг иерархиклигининг бир кўринишидир.

Ушбу иерархиклиқни аниқлашнинг моҳияти фақат фразеосемантик гуруҳ таркибини аниқлашдан иборат эмас, балки умумий муҳим белгилари асосида фразеосемантик гуруҳни, фразеомайдон белгиларини аниқлашдир.

Намуна сифатида *a great gun* («муҳим шахс», «шишқа») фразеосемантик гуруҳи хизмат қилиши мумкин.

Ушбу фразеосемантик гуруҳ «Инсон» фразеомикро майдон таркибига киради, у эса ўз навбатида «Жонлилик» микромайдонининг бир қисмидир.

Синонимик қаторларнинг семантик шаклланиши ҳар хил ФБ лар синонимларини камраб олади, уларнинг компонентлари синоним бўлиши ҳам бўлмаслиги ҳам мумкин.

(as) crazy as a fox – (as) mad as a march hare (ёки as a hatter) («бутунлай халақит бериб», «ишни бузиб»); бу ерда *crazy* ва *mad* сўзлари синонимлардир;

down at heel – out at elbow («қалтис кийинган», «жулдир-жулдир»); бу ерда биринчи ФБ ёқимсиз ташқи кўриниш ва камбағал одам эмас га тегишли бўлади;

of the same kidney – tarred with the same brush («бир хил характердаги одамлар», «бир даланнинг мевалари», «бир хамирдан қилинган»); бу ерда биринчи ФБ салбий маънода қўлланган, иккинчи ФБ- доим эмас. Фразеологиянинг системалилик табиатини семантик аниқлаш учун уларнинг фразеогуруҳдаги систем алоқаларига диққат қаратиш зарур бўлади. Улар тур ва хил муносабатиде бўлиши мумкин.

Қиёс: *the daughter of Eve (= Eve's daughter)* («Ева қизи», «гўзал жинс вакили») тур маъносида ФБ ва *lady Bountiful* («патронесса-хоним», «меҳр-мурувват билан шуғулланувчи хоним»)- хил маъносидаги ФБ.

Бундай систем муносабатлар ФБ нинг дастлабки структур-семантик тавсифининг бундан кейин ҳам ривожланиши тенденциясининг борлигини кўрсатади.

Масалан, «инсон» микромайдон таркибида хил маъносини билдирувчи қуйидаги фразеологик синонимлар гуруҳлари борлигини кўрсатади.

birds of a father, much of a muchness, tweedledum and tweedledee («бири бошқасининг ўрнида туради»; = «икки жуфт этик»; «бир даланнинг меваси»)

Ушбу «Инсон» микромайдонига бошқа синонимик (антонимик) гуруҳлар киради.

а) *faithful Adam* («ишончли қари хизматкор»);

Man Friday («Жума», «содиқ, вафодар хизматкор»);

б) *big boy* (*bug, cheese, noise, shot, wheel*)

great gun («муҳим шахс», «шишқа»);

в) *a cod in the machine*, «майда сошқа»

small beer (*fry*)

ФБ лар орасидаги антонимик алоқалар (фразеологияда семантик муносабатларнинг муҳим кўрсаткичи сифатида) алоҳида семантик-мавзувий доираларда ривожланади: мисол тариқасида, бутунлай-куч:

(as) strong as a horse («ҳўкиздеқ бақувват») ва

(as) weak as a cat (kitten или water) («заиф»);

- бойлик-камбағаллик:

(as) rich as Croesus («Крез каби бой») ва

(as) poor as a church mouse («черков сичқони каби камбағал»);

- қалб сифатлари:

a heart of gold («олтин юрак») ва *a heart of stone, stone heart, stony heart* («тош юрак»);

- Гўзаллик-хунуқлик:

(as) pretty as a picture («расм каби чиройли») ва *(as) ugly as sin* («марҳум гуноҳ каби қўрқинчли»);

- тажриба-тажрибасизлик:

old bird (= «отилган қарға») ва *spring chicken* («сарик оғизли ўсмир»);

- эмоционал ва интеллектуал сифатлари:

(as) gentle as a lamb («сезгир қўзичоқ») ва *(as) hard as nails* («золим», «тош юрак»); *(as) straight as a die* («тўғри сўзли, ҳалол») ва б.

ФБ ларнинг семантик мақоми учун қайта фикрлаш – энг аввало турғун ўхшатишлар учун.

(as) bold (или brave) as a lion («арслон каби довжар»);

(as) mute as a fish («балиқ каби сақов»).

Ушбу ўхшатишларнинг барчаси инсонларга тегишли. Бунда биринчи компонент ўз маъносида қўлланилади. Турғун ўхшатишларнинг эркин прототиби сийрак учрайди.

Агар инсон тўғрисида гапирилганда *he is as weak as a kitten* («дармонсиз», «заиф»). Ушбу ўхшатиш ФБ ҳисобланади. Агар у кучукка нисбатан қўлланилса, у эркин бирикма ҳисобланади. Бундай ҳолларда экстралингвистик омил катта роль ўйнайди.

Баъзи ФБ лар компонентлари асл маъноларида қўлланилганда тасаввурдаги объектларни билдиради. Улар компонентлари формал мантқиқга зид ҳолда ва структур-семантик номувофиқлик сабаб маънолари мос келмаса ҳам қўлланилиши мумкин:

- бевосита зидлик шундаки, ушбу тушунчада мавжуд бўлмаган белги ифодаланиши мумкин:
(as) drunk as a boiled owl («гипт маст»);
walking corpse («юрадиган скелет»; «тирик ўлик»);
бу ФБ оксюморон ҳисобланади.

Шунга ўхшаш ФБ ларнинг қайта мушоҳада этилиши индивидуал-муаллиф оборотидан дарак олган. Бу ҳодиса иккинчи номинация ҳисобланиб, у контекст билан боғлангандир.

Қиёс: the green – eyed monster («кўк кўзли махлуқ», «рашк», Шекспиризм «Отелло» га бориб тақалади).

Агар бу ФБ бўлса, индивидуал-муаллиф оборотларидан фарқ қилган ҳолда тургун бирикма сифатида кенг қўлланилади ва ягона қўлланилиш билан чекланиб қолмайди.

Бошқача айтганда, иккинчи фразеологик қайта номинацияга эга бўлганда, қайта фикр қилиниш тушунча маъносининг кенгайиши унинг бирикиш доирасининг кенгайиши оқибатида содир бўлган.

ФБ маъносини қайта тушуниш уни оккозионал қўллашда учраши мумкин. ФБ қўлланишини қиёсланг:
a black sheep («бузғунчи қўй») қуйидаги контекстда:

Адабиётлар

1. Арутюнова Н.Д. Язык и мир человека. -М.: Яз.рус.культуры,1999. –С. 895.
2. Грушевицкая Т.Г. Основы межкультурной коммуникации. - М.: «Гнозис», 2002. –С. 410.
3. Гудков Д.Б. Теория и практика межкультурной коммуникации. - М.: «Гнозис», 2003.-С. 299.
4. Дубова М.Е. Структурно- семантический анализ фразеологического поля «речевая деятельность» в русском языке в сопоставлении с английским: Автореф. дис. ... канд. филол. наук. - Кострома: КГПИ, 2009. 14-б.
5. Ковшова М.Л. Культурно-национальная специфика фразеологич
6. еских единиц: Когнитивные аспекты: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук.- М.: МГУ, 1996. –С. 22.
7. Кунин А.В. Курс фразеологии современного английского языка. - М.: «Высшая школа». - Дубна: «Феникс», 1996. 119-б.
8. Маслова В.А. Лингвокультурология.- М.: Изд. Центр Академия, 2001.14-15-б.
9. Михайлова О.А. Фразеологическое поле «прекращение жизни человека» в русском и английском языках: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. - Санкт-Петербург: СПбГУ, 2005. –С. 15.
10. Тарасова Ф.Х. Сопоставительный анализ фразеологических единиц английского и татарского языков с компонентами, относящимися к фразеосемантическому полю «Пища»: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук.- Казань: КГУ, 1999. –С. 24.

РЕЗЮМЕ. Мазкур мақолада маданиятлараро мулоқотда фразеологизмларнинг ўрни ва дунёнинг олам манзарасини лисоний нуқтаи назардан ўрганишда антропоцентрик тамойилларнинг хусусиятлари таҳлил қилинади ва маданиятлараро мулоқот тушунчасининг таърифи ва дунё тилшуносларининг фразеология соҳасига оид билдирган фикрлари ўрганилган.

РЕЗЮМЕ. В данной статье анализируются роль фразеологизмов в межкультурной коммуникации и особенности антропоцентрических принципов в изучении картины мира с лингвистической точки зрения, а также определение понятия межкультурной коммуникации и мнения мировых лингвистов в данной области.

SUMMARY. In this article analyzes the role of phraseologisms in intercultural communication and the features of anthropocentric principles in studying the picture of the world from a linguistic point of view and the definition of the concept of intercultural communication and the opinions expressed by world linguists regarding the field of phraseology.

РАНГ ИФОДАЛОВЧИ ЛЕКСЕМАЛАРНИНГ ИНГЛИЗ ВА ҚОРАҚАЛПОҚ ЛИНГВОМАДАНИЯТИДА КОНЦЕПТУАЛЛАШУВИ

З.О.Худайбергенова – мустақил тадқиқотчи

Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университети

Таянч сўзлар: ақ, қара, white, black, лингвомаданият, ранг маънолари, концепт, коннотация, паремиологик бирикма.

Ключевые слова: белый, черный, white, black, лингвокультурология, цветовые обозначения, концепт, коннотация, паремиологические сочетания.

Key words: white, black, linguocultural, color designations, concept, connotation, paremiological combinations.

Маълум бир халқнинг маданиятидаги тушунчаларни аниқлашда инсон ва у ишлатадиган тил уртасидаги муносабат муҳим ҳисобланади. Инсоният тил орқали ўз маданиятини акс эттиради ва шу орқали маълум концептуал тушунчаларни пайдо этади. Тадқиқ қилинаётган инглиз ва қорақалпоқ тилларида ҳар хил концептуал тушунчалар мавжуд ва шулардан рангги ифодаловчи тушунчалар иккала халқ маданиятини акс эттиришда муҳим аҳамият касб этади. Мавжуд бўлган ранглар инсон онги билан боғлиқ бўлиб, улар маълум маданиятни ифодаловчи хусусиятларга эга. Ҳар бир тилдаги ранг тушунчаси ва ранг атамалари муаммоси қўплаб тилшунослар томонидан турли нуқтаи назардан ўрганилган.

А.Вежицкаянинг (1996) таъкидлашича, рангнинг ҳар хил семантик гуруҳлари тиллар ва маданиятларга нисбатан барқарор бўлиши мумкин, чунки бизнинг умумий инсоний тажрибамизга асосланган

Lanny told briefly about this “red sheep” of his mother’s family. “There aren’t apt to be two American painters such active reds” (U.Sinclair). Бу ерда қулғули самарадорлик black сифатини red сифати билан алмаштириш натижасида юзага келган. Аммо бу ерда бирламчи бирикиш бузилган ва натижада фантастик образ юзага келган, чунки қизил қўйлар бўлмади.

Шундай қилиб, маъно ўзгариши маънода силжишни билдиради, бу маънонинг торайиши ёки кенгайиши эмас. Ушбу семантик жараёнлар тушунча ҳажмининг ўзгариши билан боғлиқ. Хусусан, бу дастлабки структур-семантик тузилманинг тасвирий имкониятларини фаоллаштириш асосида аналогия воситасида фразеология ҳосил қилиш жараёнида ёрқин кўзга ташланади.

Фразеология тилда, тил эгаси саналган халқ маданиятини репрезентация қилиб асрлар оша яшайди. Фразеологик бирикларда репрезентация қилинадиган концептларнинг маданий хусусиятларини ўрганиш маданиятлараро фарқларни тадқиқ қилишда зарур бўладиган баҳолаш ва қадриятларни тизим сифатида ўрганишга, кишиларнинг менталитети ва дунёқараши ўзига хослигини аниқлашга имкон беради.

фундаментал концептуал моделлар бир хилдир. Ҳар бир халқда дунёни идрок этишнинг ўзига хос хусусиятларини белгиловчи миллий рамзлар мавжуд, ва бунда вазиятнинг стандарти, стереотипи фақат маълум бир этник-маданий жамият учун маълум аҳамиятга эга. А.Вежицкая ўзининг «Обозначение цвета и универсалии зрительного восприятия» (1996) номли илмий ишида ранг номларининг маъносини аниқлаш, инглиз, поляк ва рус тиллари мисолида “оқ”, “қора” ва бошқа рангларига киритилган маънони тадқиқ қилган. У ўз тадқиқотларининг натижасига қура қўйидаги ранглар учун табиий прототипларни аниқлаган: қора - тун, оқ - кундуз (қорадан фарқли ўлароқ), кўк / оч кўк - сув, осмон, яшил - табиат, ўсимлик, сариқ - қуёш, қизил - олов, қон, жигарранг - тунроқ. Шундай қилиб, санаб ўтилган ранг номларининг ҳар бирида коннотациялар ўша табиий прототипларни ва улар она тилида сўзлашувчиларда уйғотадиган ҳиссий фонни ўз ичига